

Доимий комиссиясининг навбатдаги йиғилиши ўтказилди.

Жорий йил 5-иул куни ҳалқ депутатлари Узун тумани Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳатларларни амалга ошириш, туризм, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссиясининг навбатдаги мажлиси ўтказилди.

Мазкур доимий комиссия мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 17-февралдаги “2021-2023-йилларда Сурхондарё вилояти Узун тумани Боботоғ ҳудудини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4995-сон қарорининг ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021-йил 28-апрелдаги 250-сонли Қарорига асосан Узун тумани ҳудудида эҳтиёжманд оиласларни моддий аҳволини яхшилаш мақсадида “Темир дафтар”га киритиш юзасидан масалар муҳокама этилди. Амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.







